

БАРКАМОЛ АВЛОД ШАКЛЛАНИШИДА ВАТАН ТУЙҒУСИНИНГ ЎРНИ

Г.М.Байниязова - ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: узлуксиз таълим тизими, педагогик жараёнлар, маънавий, ватан туйғуси, комил инсон, миллий ғоя, мезонлар.

Ключевые слова: непрерывное обучение, педагогический процесс, духовный, чувство Родины, полноценный человек, национальная идея, критерии.

Key words: continuous education, pedagogical process, spiritual, feeling of Motherland, ideal person, national idea, criteria.

Миллий истиқлол халқимиз ҳаётидаги буюк тарихий воқеа, аммо ҳадиксирайдиган одам бу воқеанинг юз берганлигига ишонингкирамайди. Чунки, у доимо ҳамма нарсадан шубҳаланади. Шубҳа бандасида эса миллий ғурур бўлмайди. Ўз кадр-қимматини билмаган одамда нафсоният ҳам бўлмайди. Нафсониятсиз диёнат, диёнатсизда ор-номус қаёқда бўлсин.

Бундай инсонлар халқнинг ғам-ташвишидан йироқда турадилар ва атайин ўзларини четга оладилар.

Энг ёмон нарса, кўриб, кўрмасликка олишдир. Бефарқлик, бепарволик энг ёмон иллат. Лоқайдлик туфайли қанчадан-қанча жинойтлар юз беради. Бундай кишилар миллат манфаатини ўйлашмайдилар. Бир мутафаккир шундай деб ёзади: «Инқилобий замонларда энг яхши одамлар ҳалок бўлишади. Курбонлик келтириш қонунига биноан сўнгги сўзни айтиш кўрқок ва эҳтиёткор кишиларга қолади, зеро, бошқалар ўзида бор энг азиз нарсасини қурбон қилиб, сўздан маҳрум этилади. Сотқинлик қилганлар эса сўзлаш ҳуқуқига эга бўлиб қоладилар. «Ёв қочса ботир кўпаяди» деганларидек, ғалабадан сўнг сохта қаҳрамонлар чиқиб келаверади» [2].

Ватан туйғусини Ўзбекистон тарихининг қатор мавзуларини ўтганда ўқувчилар ва талабалар онгида шакллантириш зарур ва бу нарсани қилиш мумкин. Масалан, «XIX асрнинг 80-90 йилларида Туркистонда халқ ҳаракатлари» деган мавзунини ўқиш жараёнида, бу ҳаракатнинг ҳақиқий моҳиятини очиб бериб, Ватандошларимиз чоризмга қарши мустақиллик учун қилган миллий озодлик ҳаракати эканлигига ўқувчи, талабалар эътиборини қаратиш зарур. Чунки, қорақалпоқ халқининг миллий онгининг ўсиши, миллий ўз-ўзини англаши ўтган кўнлардаёқ бошланган. Демак, мустақиллик учун кураш ғоялари яқиндагина пайдо бўлмаган, деген қарашни улар онгига синдириш керак. Бу фикр ўқувчиларда ота-боболарга нисбатан ҳурмат ҳиссини туғдириши табиийдир. Ана шу ҳис-туйғу ўқувчи ёшларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусининг пайдо бўлишига олиб келиб улар қалбида ўрин эгаллайди.

Ўз халқининг ўтмишини кадрлашнинг ўзигинаси етарли эмас, балки ундаги барча нарсаларни авайлаб-асраб, келгуси авлодга етказиш лозим. Аждодларимиз меҳнатига ҳурмат, ундан фахрланиш ҳиссини ёш авлодга синдириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Лекин, Ватанни севишнинг ўзи етарли эмас. Балки, унинг бойлигига бойлик қўшиш, унга сидқидиллик билан хизмат қила билишни ҳам ўрганиш зарур. Ватаннинг нурли келажагини ўйлаш чинакам ватанпарварликдир.

Ўзбекистон диёримизда миллий истиқлолни қўлга киритган бугунги тарихий даврда, ҳар бир инсон Ватан туйғусини тўла ҳис қилиши лозим. Озодлик натижаси нақадар лаззатли, ана шундай ҳолатда, учигида шайланган қуш мағрур бўлиши эсингга келади. Мағрурликни ҳис қилиш эса, жасоратнинг бошланишидир. Буни тушуниган кишида Ватан туйғуси бўлади «Ватан» деб дабдабали тарзда кўкирагига урадиган кишиларга кўпам ишониб бўлмайди. Ватан туйғуси ботиний ҳолат, уни юракка жо этиб, керакли пайтда ҳеч иккиланмай фидойилик кўрсатиб, садоқатда ўзининг фарзандлик бурчини бажарадиган кишиларгина Ватанни чинакам севишга қодирдир. Жон ширин, жондан ҳам ватан ширин, деб бекорга айтмаганлар.

Ватанга муҳаббат ўз ота - онасига, оиласига, элу юртига, ерига, халқига бўлган муҳаббат билан боғлиқ. Ватанга муҳаббати бўлмаган инсонни ота - онасига меҳри бор десалар, бунга ишониб бўлмайди.

Ватанимизнинг мустақиллигига эришганимиз - буюк ғалаба. Аммо бу ғалабани сақлаш ва мустақкамлаш янада мураккабдир. Жаваҳарлал Неру шундай деган эканлар: Мустамлакачиликдан мустақилликка ўтишда олтин кўприк бор. Кимки бу олтин кўприкдан ўтиб мустақилликни бошласа, у албатта тарихий ғалабага эришади. Айтиб қўяй, бу ниҳоятда оғир вазифа. Буни бажариш учун кўп куч, ақл - идрок, ғайрат ва шижоат талаб этилади.

Ҳурматли Биринчи юртбошимиз И.Каримов айтганларидек, «Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон қуйдириб гапираяпмиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳд-паймон қилдик. Болаларимиз йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган, буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим» [1].

Биз адолатли, демократик, ҳуқуқий ва инсонпарвар жамият қурмоқчи эканмиз, бу жамият ўз-ўзидан қурилмади балки у ўз ватанига, ўз халқига содиқ ва чинакам фидойилар томонидан қурилади. Бундай фидойиларни эса ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашимиз зарур. Ватанпарварлик туйғуси ўтмишга бўлган муносабат билан шаклланади. Ўтмишини унутган халқнинг бугунги куни ҳам, келажаги ҳам бўлмайди. Хотирасиз халқ, хотирасиз инсон бўлмагандек, тарихий ўтмишини унутган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди. Айниқса, миллий мустақилликка эришган халқнинг миллий онгини ўсишида, миллий ўз-ўзини англашида тарихий меросини билиши ва миллий қадриятларини тиклаши мазкур давлатнинг тарихий тақдирини белгилаб беради.

Бугун педагогика фанининг асосий мақсади ўқувчи-ёшларни ватанпарварли руҳида тарбиялашдан иборатдир. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллигининг қарор топиши» деган мавзунини ўқиш жараёнида Республикаимиз Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Истиқлол ва маънавият» деган китобларида ва кейинги вақтда сўзлаган нутқларидан кенг фойдаланиб, уларда ўртага ташланган ватанпарварлик ғояларини ўқувчилар онгига синдиришимиз зарур.

Маълумки, улуг бобокалонларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Ал-Термизий, Ал-Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби мутафаккирларимиз билан фахрланиш ҳиссини ўқувчиларда тарбиялашга катта эътибор бериш зарур. Аммо жаҳонда илм-фан, техника тез ривожланаётган бир пайтда, фақат фахрланишнинг ўзи етмайди. Эндиликда ана шундай буюк алломаларни етиштириш ҳақида бош қотирмоқ зарур.

Ўз халқидан, унинг тарихидан фахрланиш ҳисси бўлмаган инсон фақат оёғининг тагини кўради.

Бундай кишининг келажаги бўлмайди.

Халқимизнинг: Аҳмад Фарғоний, Мухаммад Хоразмий, Хўжа Исмоил Бухорий, Давлатшоҳ Са-

марқандий, Хофиз Тошкандий, Бехбудий каби буюк сиймолар, қомусий билим эгалари – бошқа исм тополмаганлари учунгина бу шаҳарлар номларини ўзларига тахаллус сифатида танлаган эмаслар. Бунда улуғ ҳикмат яширинган. Ўзи туғилиб ўсган ери – она тупроғига ҳурмат-эҳтиром, она Ватан қадри, шарафи, фахрифтхори бу номларда мужассам. Тарихга назар ташласак, барча улуғ зотлар ўз Ватанини беҳад севиб-ардоқлаб, унинг фидойий фарзандлари бўлишганини кўрамиз. Чунки ҳадис-шарифда: «Ватанни севмоқ иймондандир», - деб бежиз айтилмаган. Зотан, Ватанни севиш, табиатини асраб-авайлаш, Ватан тарихини ўрганиш мустақил Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас бурчидир. Саёҳат ва ўлкашунослик, ўқишдан ташқари таълим ва тарбия ишининг энг самарали турларидандир.

Ушбу тарбия тури маънавий-ахлоқий тарбия жараёнини ташкил этишда ноёб қизиқтирувчанлик хусусияти билан диққатни тортади. Сайру саёҳатлар, экспедициялар, тоғлар, қишлоқлар ва шаҳарлараро пиёда юришларда ўқувчи-ёшлар: тарих, география, адабиёт, санъат, математика, физика, химия фанлари билан яқиндан боғланиб, олган билимларини мустаҳкамлайдилар.

Инсон тўплаган моддий ва маънавий бойликлардан қай даражада фойдаланишга боғлиқ. Зеро, бизгача ўзга халқларнинг қадриятларини ҳурмат қилмайдиган халқ ўзининг қадр-қимматига етмайди. Шунга кўра ҳар доим миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклиги бўлмоғи лозим.

Инсон қаерда яшашидан, жинсидан, иркидан, миллатидан қатъий назар, ўз ватанини севиши энг олий қадрият ҳисобланади. Шунга кўра одам боласига бўлган меҳр-муҳаббат билан боғлиқ барча ишлар умуминсонийдир. Шунинг учун ҳам ҳадисларда Тангри бу ёруғ оламда нимаики яратган бўлса, ўз бандалари учун яратган. Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун яратилган экан, бу қуруқ даъват бўлиб қолмаслиги керак «Одамларга нисбатан», -деб ёзган эди Ал-Фаробий, - «уларни бирлаштириб турувчи асос инсонийликдир. Одамлар инсоният туркумига кирар экан улар ўзаро тотувликда яшамоқлари лозим» [3].

Биринчидан – бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ўз она Ватани учун жонқуярлик қилиш, унинг халқини севиш, ўлка табиатини севиш, ўз халқининг қўхна тарихини билиш, анъаналарини, миллий меросини, маданиятини, санъати, меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш, Ватан олдида маъсулиятли бўлиш, фойда келтириш, халқни ўйлаш ва унга ҳамдард бўлиш, Ватанидан, миллатидан, тилидан, байроқ, мадқия, тамғасидан, анъана, қадрият, урф-одатларидан, миллий ғуруридан фойдаланиш каби фазилатларга эга бўлиш.

Иккинчидан асрлар буйи орзу қилиб келган мустақиллигимизни асрашимиз, авайлашимиз ва ўзимизни ҳалол меҳнатимиз билан мустаҳкамлашимиз зарур. Айни чоқда Ватанни жонидан севадиган, керак бўлса, Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр турадиган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш лозим.

Аслида ватанпарварлик тарбияси болаликда шаклланади. Ёшларга ватанпарварлик туйғусини сингдирмоқ учун таълим-тарбиянинг барча усулларида ўринли фойдаланиш кераклигини вақт кўрсатапти.

Шунинг учун таълим-тарбия мазмунини янгилашнинг муҳим томони шундаки, миллий истиқлол мафқурасида умумбашарий қадриятлар устиворлигини таъминлаган ҳолда миллий қадриятларга суяниб, ижтимоий воқеликка янгича қараб, миллий тафаккурни қарор топтиришдан иборат. Шунга кўра ушбу жараёни бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаб ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Болаларни ватанпарварлик миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш, миллий ғурур руҳида тарбиялашда умуминсоний қадриятларнинг роли катта. Ҳар қандай давлатнинг қудратли бўлиши бутун инсоният тарихида миллий қадриятимизни билишимизга боғлиқ бўлади.

Қорақалпоқ халқ шоирларидан бири Бердақ халқ ҳаётини, унинг эзгу орзу-истакларини яхши билган шоир эди. Шунинг учун унинг шеърларида халқпарварлик, ватанпарварлик руҳи кучли. Масалан, ўзининг «Халық ушын» номли шеърида шоир оммани халқ озодлиги, унинг маънавий ва моддий манфаатлари учун фидокорликка чақиради.

Жетерсең муратқа хызметлер етсең,
Елағың силтесе ғайры елге кетсең,
Душпанның ҳарқашан басына жетсең,
Аянбағыл хызметинди халық ушын.
Бизнинг миллий қадриятларимиз бебаҳо ва бетакрордир. Абдулла Орипов ҳам ўзбек халқини кўкларга кўтариб:

Ҳар қанча фахр этсин арзийди, ўзбек,
Балқибсан бир зотнинг юксак шаънида.
Темурбек юлдузи Олтин қозикдек,
Чарақлар буюқлар қахқашонида,
- деб юксак фикр ва эҳтиром билан айтади.

Ўзбекистон – кўп миллатли. Ҳар қайси миллат гўё бир чок. Агар чок маҳкам бўлса, либосни кийиш мумкин. Чок сўқилса, уни кийиб бўлмайди. Ана шуларни ҳисобга олиб ўз Ватанининг, ўз халқининг нури келажагини ўйлаган ҳар бир ёш бир-бири билан иноқ бўлмоқни, боболар измидан тутмоқни одат қилиши зарур. Ўтмишга бир назар ташлайлик. Ўрта Осиёда қадимги халқлар орасида ҳам ўз юрти ва қабилалари учун қурашган мард кишилар бўлган. Уларнинг қаҳромонликлари авлоддан-авлодга ўтиб афсоналарга айланган. Малика Тўмариснинг Эрон шоҳи Кир билан олиб борган уриши, аёл боши билан фарзанди ва Ватанига бўлган меҳри туфайли енгилмас деб ном таратган. Бу ватанпарвар ва жасоратли аёл ҳақида шоирлар, олимлар, ёзувчилар қанчадан-қанча ижод қилганларки, бу аёлнинг мардлиги кишини илҳомлантиради ва ёшларни тарбиялашда яхши қурол бўлиб хизмат қилади. Бундай ватанпарварлик жасорат халқимизнинг юзлаб, минглаб фарзандлари томонидан турли тарзда такрорланиб келган. Биз ўқувчи-ёшларнинг зимамизда ҳалол яшаш, ишлаш, аёло ўқиш турибди. Биз шулар билан ўзимизнинг ватанпарварлигимизни кўрсатишимиз керак.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008, 36-38-б.
2. Тахиржанов Х. «Ҳаёт ҳикматлари». Т.: «Ўзбекистон» 2010, 12-18-б.
3. Ал-Фаробий «О происхождении науки» в книге С.Н.Григоряна «Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв.» изд. Акад. Наук СССР. -М.: 1960, -С. 330

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда фуқаролик туйғуси, Ватанга муҳаббат ҳиссининг таркиб топиши ва ривожланишининг муҳим мезонлари ҳақида сўз юритилади.

В статье говорится о воспитании гражданского чувства, чувства любви к Родине и развития важных критериев у школьников младших классов.

The article deals with the education of civic feelings, love for Motherland and the development of important criterias of primary schoolchildren.

ЖАМОАНИ БОШҚАРИШ: РАХБАРНИНГ УМУМИЙ ФУНКЦИОНАЛ ВА БОШҚАРУВ КЎНИКМАЛАРИ

(ижтимоий психологик аспект)

Б.Еримбетов – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

А.Махмудов – ассистент ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

Таянч сўзлар: рахбар, менеджер, персонал, бошқарувни ташкил этиш, менеджмент, рахбарлик, умумий функционал ва бошқарув кўникмалари.

Ключевые слова: руководитель, менеджер, персонал, организовать управление, менеджмент, руководство, общие функциональные и управленческие навыки.

Key words: head, manager, staff, to organize the control, management, leadership, common functional and managerial skills.

Персонални бошқариш (жамоани, гуруҳни) - мураккаб, масъулиятли ва ижодий ишдир. У рахбарнинг шахсига, унинг профессионал компетентлигига, умумий қобилиятига, бошқарув кўникма ва малакаларига боғлиқ. Шу билан бирга ҳар бир рахбарда унинг ўзига хос бўлган индивидуал-психологик ва ижтимоий-психологик хусусиятларига (темперамент, характер, кадриятлар йўналиши, ижтимоий установка, шахснинг йўналганлиги, талаб даражаси, ўзини ўзи баҳолаш ва ҳ.) асосланган рахбарлик стили шаклланади [1:223].

Персонални бошқариш – ташкилот мақсадларига эришиш учун сафарбар этилган кишилар жамоасини бошқариш бўйича фаолият тури ҳисобланиб, бунда ходимларнинг меҳнати, тажрибаси, малакасида фойдаланилади ва бошқариш жараёнида ходимларнинг шахсий психологик хусусиятлари ва касбий жиҳатдан муҳим бўлган сифатлари иштирок этади.

Юқоридаги “бошқарув”, “рахбарлик”, “менежмент” сингари тушунчаларнинг ўзаро муносабати масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. *Бошқариш* – ташкилот мақсадларини шакллантириш ва уларга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, мотивация ва назорат жараёнидир. Бошқарув муваффақиятга йўналган бўлиши лозим. Жамоани бошқариш рахбарлик лавозимини эгаллаган индивиддан жамоани қўйилган мақсадга эришишга рағбатлантира бориб, ҳар бир ходимга ўзига хос ёндашиш қобилиятини, жамоанинг ҳар бир аъзосининг индивидуал талабларини умумий мақсадларга бўйсундириш маҳоратини талаб этади.

Рахбарлик персонални бошқаришнинг хусусий бир кўриниши ҳисобланади. Уларнинг асосий фарқи шундаки, рахбарлик одамларга таъсир кўрсатиш билан чегараланади, ходимларнинг рахбар билан ўзаро таъмирини белгилайди, рахбарнинг ниятига мос ҳолда кимнингдир фаолияти йўлга қўйилади [2]. Буларнинг барчаси рахбарнинг ниятига мос ҳолда одамларнинг ҳулқ-атвори ва фаолиятини онгли ва фаол бошқариш деган фикрни келтириб чиқаради.

Менежмент – бошқаришнинг алоҳида ўзига хос тури бўлиб, ташкилотларда амалга оширилади ва одамларнинг фойда олишига йўналтирилади. Менежментнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бунда асосий эътибор инсонга, истеъмолчига, бозорга қаратилади, ташкилотни бошқариш тизими доимий ҳолда такомиллаша боради. Бошқарувнинг асосий элементи одамлар бўлганлиги сабабли юксак даражадаги ноаниқлик менежмент (жараён сифатида) учун хос сифат ҳисобланади. Менежментда қатъий белгиланган тартиб ва алгоритмлар йўқ. Ҳар бир қарор рахбарнинг шахс сифатлари билан белгиланади.

Ҳар қандай рахбарнинг иши - бу, аввалом бор инсонлар билан ишлаш бўлиб, бу ҳолат бошқарув фаолиятининг мураккаб турлари эканлигидан далолат беради. Рахбар ходимлар билан ишлаш жараёнида ўз ҳулқ-атворини тўғрилаб боради, ўз ўзини таҳлил қилади ва айтиш мумкинки, ўз ўзини такомиллаштиради. Рахбарнинг асосий мажбурияти – кучли, уюшган жамоани шакллантиришдан, турли туман низоли вазиятларнинг олдини олиши ёки шундай вазиятлар бўлса, уларни бартараф этишдан иборат. Ўз вазифаларни бажарар экан, рахбар ўз шахс сифатларини ҳам фаоллаштириши ва ривожлантириши лозим. Бунда рахбарнинг умумий функционал ва бошқарув кўникмалари муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда рахбарнинг умумий функционал ва бошқарув кўникмаларининг мазмун-моҳияти масаласига қисқача тўхталиб ўтаимиз.

Ҳар бир рахбар билиши лозим бўлган унинг умумий функционал ва бошқарув кўникмалари ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради:

- мақсад ва вазифаларни аниқлаш; гуруҳ аъзолари ўртасида топшириқларни тақсимлаш; мажбуриятларни белгилаш ва уларни ҳар бир ходим билан муҳокама қилиш;

- индивидуал ва гуруҳий масалаларни ечиш йўллари муҳокама қилиш ҳамда назорат қилиш; муаммоларни ечиш ва қарор қабул қилиш;

- ходимларнинг мотивацияси; гуруҳнинг ичида ва ташқарисидаги ҳамкорликнинг рағбатлантирилиши; гуруҳда соғлом психологик муҳитнинг яратилиши;

- ходимлар ташаббусининг рағбатлантирилиши, уларнинг қарашларининг, фикрларининг иноватга олиниши, меҳнат қилиш учун соғлом муҳитнинг яратилиши;

- зарур бўлганда жазолаш.

Бу функцияларнинг барчаси умумий функционал ёки ишга тааллуқли бўлган кўникмаларда мавжуд бўлади: ишонтара билиш, мулоқотга киришиш маҳорати, ўзгаларнинг характери билан, ўз компетентлигини намоиш қилиш ва ҳ. [3].

Шу билан бирга махсус функциялар ҳам мавжуд бўлиб, уларга мос ҳолда бошқарув кўникмалари шаклланади. Бундай кўникмаларга ҳар қандай рахбар эга бўлиши лозим. Бошқарув кўникмаларига қуйидагилар кириди: режалаштириш, ишларни тақсимлаш, бошқариш, мотивация, маълумотга эга бўлиш, натижаларни баҳолаш. Уларни алоҳида кўриб чиқамиз.

Режалаштириш. Режалаштириш гуруҳнинг мақсадли установкалари ва вазифаларини, шунингдек мақсадларга эришишнинг самарали стратегиясини белгилашдан иборат.